

ҲАБИБ САҶДУЛЛА ЛИРИКАСИ

Шоҳсанам Эрманбетова

НамМҚИ магистранти Ахмаджон Мухторжонов

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10393630>

Аннотация: Мақолада Ҳабиб Саҷдулла лирикаси даги ўзига ҳослик ифодаланган

Калит кўзлар: поэзия, лирика

HABIB SADULLA LYRICS

Abstract: The article describes the uniqueness of Habib Sa'dulla's lyrics

Key words: poetry, lyrics

ТЕКСТЫ ПЕСЕН ҲАБИБА САДУЛЛЫ

Аннотация: В статье описывается уникальность лирики Хабиба Садуллы.

Ключевые слова: поэзия, лирика.

КИРИШ

Лирика ўзбек адабиётининг энг кўхна, бошқа адабий турларга нисбатан устувор даражада ривожланган туридир. Жамият ҳаётида рўй берган ҳар қандай воқеа-ҳодисаларга биринчи бўлиб акс-садо берадиган тур лирик шеъриятдир. Маълумки, ўзбек лирикаси жуда узоқ тарихга эга. Унинг илдизлари ғоят бақувват, шунинг учун ҳам ундан озуқа олган шеърият дарахти доимо яшнаб, мўл-кўл ҳосил бераверади. Ўзбек лирикаси буюк Шарқ адабиёти бағрида вояга етиб, энига ҳам, бўйига ҳам униб-ўсиб бормоқда. Улкан боғда ўсаётган турли мевали дарахтларнинг ҳосил туғиши олдидан чангланиш ҳодисаси рўй беради. Табиатнинг бу қонуний ҳодисаси туфайли мевалар турлича рангда, ҳар хил шакл-шамоилда бўлиши мумкин. Буни шеъриятга ҳам нисбат берса бўлади. Давр тақозосига кўра шеърият ҳам вақти-вақти билан ранг-баранг шаклларда ҳосил бера бошлайди. Чангланиш оқибатида мевалар турлича бўлса-да, таъми ўзгармаганидек, шеърият шаклидаги ўзгаришлар ҳам унинг мазмунига таъсир ўтказмаслиги лозим.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ҳабиб Саҷдулла ўзининг қирқ йилдан кўпроқ умрини самарали ижод билан ўтказди. У ўзининг шеър ва достонлари, драматик ва насрый асарлари билан танилган ижодкорлардан биридир. Унинг асарлари, асосан, замонавий руҳда ёзилганлиги билан ажralиб туради. Уларда кишиларимизнинг маънавий дунёси, ўй-истаклари, интилишлари ўзига хос поэтик образлар орқали, публицистик кўтаринкилик билан ифодаланган. Ҳабиб Саҷдулла ўз асарлари орқали ўзи туғилиб ўсган юрт сурурни тароватини, самимияти, руҳияти ва ўзига ҳосликларини адабиётимизга бир қадар олиб киришга муваффақ бўлган адаб ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ҳабиб Саҷдулла ва унга тенгдош ижодкорлар катта умидлар билан қалам ушлаб, дил дардларини қофозга туширишга киришган 60-йилларда адабий жараёнда бирмунча ўзгаришлар юз бормоқда эди. Шу йилларда кўп ижодкорлар ўта эҳтиёткорлик билан ёзишга мажбур бўлганларидан кўз юмиш мумкин эмас. Аммо шуниси ҳам муҳимки, бу ижодкорларнинг деярли ҳаммаси меҳнаткаш халқа, Ватанга, Она заминга муҳаббатни улуғлашда, ишқ-муҳаббатни, инсоний фазилатларни, табиат лавҳаларини кўйлашда яқдил эдилар. Бундай туйгулар таъсирига уларда мавзу муштараклиги билан бир қаторда, ўзига хос шоирона нигоҳ ва шеърий маҳорат қирралари,

ширали, рангдор тил, ёрқин образлар яққол кўриниб туради. Бу тамойилни айнан Ҳабиб Саъдулла ижодида ҳам кузатиш мумкин.

Бугун XXI аср бошида туриб, адабиётимиз босиб ўтган йўлга назар ташласак, XX асрнинг 60-йиллари адабиётда ўзига хос бурилиш даври бўлганини яққол сезамиз. Айни шу йилларда шеърият оламида турфа хил ўзгаришлар рўй берди, инсон шахсини, қалб кечинмаларини куйлаш, севги дарди, хижрон, ҳаёт ташвишлари, турмуш мураккабликлари ҳақида ҳам чўчимасдан ёзиш тамойиллари рўй бера бошлади. Бу ижодий ҳодисанинг таъсири тезда ўз самарасини берди: адабиётнинг барча жанрларида салмоқли асарлар яратилди. Айниқса, шеъриятда жиддий ўзгариш, олға силжиш яққол кўринди. Поэзия майдонидаги янгилик мевалари ҳақида адабий танқидчиликда ҳам самимий мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов «Замон. Қалб. Поэзия» (1962 йил) номли йирик тадқиқотида ўзбек шеърияти лирикасидаги ранг-баранг изланишлар, юксалиш ва айрим нуқсонларни теран умумлаштириб берган эди. Биз учун айни соғда муҳими шуки, ана шу китобда шеъриятта янги оҳанг, янги мавзу ва ранглар олиб кираётган ёш истеъдодлар қаторида Ҳабиб Саъдулланинг номи ҳам тилга олинган ва унинг ижоди ҳақида илиқ фикрлар айтилган эди. Бу пайтда ёш шоир ҳарбий хизматда бўлиб, шеърлари матбуотда бот-бот кўриниб турарди. Бинобарин, Ҳабиб Саъдулла илк машқлари билан талабчан мунаққидларда ва меҳрибон мураббий Миртемирда катта умид ўйғотган эди.

Орадан кўп ўтмай, «Шарқ юлдузи» журналининг 1962 йил 6-сонида ёш шоирларнинг шеърларидан намуналар берилди. Мана шу шеърий гулдастада Ҳабиб Саъдулла шеърлари ҳам бор эдики, бу адабиётимизга янги, ўзига хос истеъдод кириб келаётганинг тан олиниши эди.

Шоирнинг илк шеърий тўплами 1969 йилда эълон қилинди. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган бу китоб «Океандан шабада» деб номланганди. Ундан «Кулги» сарлавҳали шеър ҳам ўрин олган. Шоир ёзади:

Айтинг, табассумни ким севмайди, ким?

Кулгига нима ҳам етар, яхшилар ?

Кўрмоқчи бўламан ҳар юзда кулги,

Кулги ўсалга ҳам шифо багишлар.

Мазкур мисраларда “Ҳабиб Саъдулланинг кейин ёзган кўплаб шеърларига хос оҳорлилик, лутф ила қочирим, самимияту эзгулик, кучли пафос ва лирик услуб жилолари мужассам.”

Кейинроқ унинг “Баҳор билан сұҳбат” (1975) китоби чоп этилди.

Лирикада, кўпинча, чекиниш, ҳиссиёт, аниқроғи, ҳис-туйғулар орқасига яширган янги фикр ҳукмрон бўлади. Давр, ватан, замондошлар ҳақидаги самимий ва эҳтиросли шеърлар шоирнинг ғоявий-бадиий дунёсини тайин этиш билан баробар, унинг ҳаётий позициясини ҳам белгилаб беради.

Ижод жараёни ғоят сирли ва мураккаб. Шу боисдан ҳам том маънодаги ижод доимо индивидуал ва бетакрордир. Лекин, ижодий жараён қанчалик индивидуал ва бетакрор бўлмасин, шакл ва мазмун ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг умумий қонунияти бўлганидек, новаторликнинг ҳам умумий мезони бор, назаримизда. Ижоднинг новаторлик характеристи ҳаёт ва воқеликнинг янги манзараларини, янги-янги кирраларини, инсон қалбининг, маънавий дунёсининг янги-янги қатламларини бадиий тадқиқ этиш билан белгиланади.

Хусусан, ана шу жараёнда юзага келган мазмун янгилиги, эстетик идеал ҳамда ғоя янгилиги бадиий ижоднинг новаторлик характерини белгилаб беради.

Турли поэтик жанр ва формалардаги изланишлар фақат ҳаёт ва воқеликнинг янги янги томонлари, давр ва жамият тараққиёти билан, инсон ва инсоният тақдирни билан синкетик уйғунликда тадқиқ этилса ва ана шу поэтик тадқиқот янги ғоявий-эстетик ҳамда фалсафий умумлашмаларда ёритилса файзиёб моҳият касб этади.

Одатда, поэтик соддалик ҳар хил бўлади. Ҳабиб Саъдулла лирикасида юксак соддалик санъати борки, бу илҳомбахш изланиш, ижодий меҳнат самарасидир. Соддалик - бу поэтик шакл ва мазмуннинг органик бирлиги мевасидир. Бу мукаммаллик ва яхлитликка эришишда шоирнинг улкан ижодий машаққатлари у қадар сезилмагандек, шеър гўё шундоққина ёзилиб қолгандек, юракдак оқиб тушгандек, кўнгилнинг туб-тубидан қуиилиб келгандек бўлади. Ваҳоланки, бу поэтик соддалик шоирнинг етук маҳорати ҳосиласидир.

Ҳабиб Саъдулла - ҳаёт, Ватан, аскар турмуши, севги, соғинч, ҳажр, янги йил, санъати куйчиси. «Сув ва умр», «Баҳор билан сұхбат» шеърларини ilk давр поэзиясининг тиргаклари деса бўлади.

«Умрингни ўтказма сувдай» дейишади, сув ахир ҳаёт томиридаги қон-ку? «Чаман карашмаси» ҳам ундан. Шоир шундай дейди:

*Умрим ҳам сув каби ҳаётбахш ўтса
Розиман минг бор!*

«Баҳор билан сұхбат» шеърида шоир баҳорга «Мени зориқтирдинг» деб гина қилади, баҳор эса «Менга ҳам осон деб ўйлама», «Қаҳратон қаъридан чиқиб келгунча», не-не заҳмат чекдим, дейди. Бу шеър фикримизни бойитади. «Она тилим», «Сенинг алланг», «Дўстимга хат» шеърларининг тоти новвотча бор.

Шоир шеърларида табиат манзараплари Ватан қиёфасини тўлдирувчи бир обьект, деталгина эмас. Табиат - шоир наздида Ватаннинг бир бўлаги, эмоционал кечинмалар ва инсон куч-қудратининг асоси, ниҳоят, доимо янгиланиб, барқ уриб турувчи ҳаёт тимсоли. Ҳабиб Саъдулланинг лирик қаҳрамони табиат оғушига сингиб, унинг фараҳли сурури кўйнида кўринмай кетмайди, бугунги ҳаёт оқими зарбларини туйиш ва воқеа-ҳодисалар жараёнини эстетик баҳолашда табиат одил ҳақиқат бўлиб гавдаланади. Шоирнинг болалик хотираларида ҳам табиат хоссалари ўзининг ёрқин бўёқлари, чизгилари билан давр нафаси ва эҳтиросларини яратишда бевосита иштирок этади. Хусусан, табиат манзараплари лирик қаҳрамоннинг қалб манзарапларини шунчаки акс эттиրмайди, балки ҳаёт, воқелик таъсирида лирик қаҳрамон қўнглида кечган кечинма ва ҳиссиётлар, фикрлар силсиласи билан уйғунлик касб этади. Шу боисдан ҳам кеча дарахтга кўрк бўлиб, бугун ерга бир-бир узилаётган хазонлар - «заъфарон япроқлар» шоирга «тупроққа қўшилиб» кетаётгандай, азамат чинорнинг уларни ушлаб қолишига кучи етмаётгандай туюлади:

*Заъфарон япроқлар бир-бир узилар,
Маъюс урад ерга тўшини.
Кеча кўрк бўлганди борлиққа улар,
Бугун-чи, тупроққа кетар қўшилиб.*

Шу жиҳатдан шеърнинг кейинги мисралари ҳам характерли бўлиб, ўкувчини фалсафий мушоҳада юритишга чорлайди:

*Битта япрогин ҳам ушлаб қолмоқча
Азамат чинорнинг етмасди кучи,
Забардаст қўлларин чўзиб ҳар ёқقا,*

Турап куз ишидан эс-хуши учиб.

Ҳабиб Саъдуллани табиат күйчиси ёки табиатнинг шоир-рассоми дейиш қийин. Унинг лирикасида соф пейзаж шеърлар кўп эмас. Лекин табиат ҳаётнинг боқийлигини хис эттириши ва шу асосда, нарса ва мавжудотнинг, инсон умри, тириклигининг маънавий-фалсафий мезонига айланиши жиҳатидан ҳам шоир ва табиат диалектик боғлиқликда намоён бўлади.

Бир қараганда, ушбу фикрлар эриш туюлиши, «Шоир лирикасида куз, баҳор, тун, табиат ҳақида сўз борса-ю, пейзаж йўқ бўлиши ҳам мумкинми», деган эътиroz туғилиши мумкин. Гап шундаки, шоир шеърларида табиат маҳсус тасвир обьекти сифатида намоён бўлмайди. Гарчанд, шоир шеърларида табиат жонлантириш деталлар тарзида мавжуд бўлса-да, у психологик картина ва ҳолатлар мазмунини ифодалаш учун хизмат қилади. Бу ҳол шоир лирикасидаги инсон ва табиат талқинида етакчи мавқени ишғол қилмайди. Ҳабиб Саъдулла лирикасида табиат белгиларидағи инсоний жиҳатларни тажассум этиши биринчи ўринда намоён бўлади.

Табиат фақат инсон тириклигининг, ҳаётнинг жисман асосини белгилабгина қолмай, маънавий ҳаётнинг ҳам асосий таянчидир. Ҳабиб Саъдулла лирикасида инсон ва табиатнинг ажралмас нуқталари ана шундай фалсафий ўринларга эга.

“Ўзбекистон деган жаннат бу”, “Ўзбекистон” сингари шеърлари она Ватан кечмишининг поэтик тарихини, тараққиёт босқичларининг муҳим белгиларини кўз ўнгимизда гавдалантиради, замондошларимизнинг давр ва воқелик билан боғлиқликдаги кечинмалари, туйғулари манзарасини яратади. Шоир замондошларимиznинг ўтмиш, халқ, келажак, она сайёра тақдири билан боғлиқ нуқталарини гўзал поэтик тарзда талқин этаркан, ана шу йўсинда инсон ва инсоният, она замин ва буткул ер курраси олдидаги маънавий масъулиятни, маънавий-психологик боғлиқлик асосларини очиб беради.

Ҳабиб Саъдулла лирикасида ҳаётдаги ижтимоий-маънавий масалалар хусусида жўшқин фикр-мушоҳада юритиш устуворлик қилади. Ҳабиб Саъдулла услуби учун характерли бўлган хусусиятлардан бири - ҳаёт фактлари заминида поэтик образлар яратишидир. У фактлардан теран фикрлар, ҳолат моҳиятидан юксак руҳли ғоялар бунёд этади. Шоир лирик қаҳрамони қалбига оламдан оҳанглар оқади, у бугунги воқелик хоссаларини эстетик баҳолар экан, унга тарихийлик нуқтаи назари билан ёндашади. Яъни, Ватаннинг бугуни ва истиқболини унинг ўтмишидаги аждодларимиз, буюк ижодкорлар ва мард паҳлавонларсиз тасаввур қила олмайди:

*Ботирларин битмас саноги,
Шундан кўкси тўла гурури.
Ўша мардлар аро мард шоҳи
Ул жаҳонгир Амир Темури,
Жасоратда тенгсиз сийрат бу,
Ўзбекистон деган жаннат бу.*

Ҳабиб Саъдулла ҳаёт воқеликлари ва замондошларимиз қалбининг янги қатламларини поэтик тадқиқ этиш йўлида муттасил изланади. Бунинг учун у шеърнинг кенг ўқувчилар оммасига етиб боришини таъминлаш мақсадида янги ифода воситаларни топади, яъни шеър сатрларини фикрий ва эмоционал образлар билан бойитишга алоҳида дикқат қилади. Шу боисдан ҳам унинг чуқур кечинмалар ва қуюқ фикрлар уйғунлиги билан йўғрилган лирикаси ўқувчидаги чуқур хис-туйғулар ва ўй-мушоҳадалар уйғотади.

Маълумки, адабиёт сўз санъатидир. Тилимиздаги энг гўзал сўзларни саралаб адабиётга олиб кириш ва мўъжизалар яратиш ҳар бир шоирнинг улкан масъулиятидир. Ижодкор сўзни олмос каби қадрлаб, унинг янги қирраларини кашф этиши лозим. Хусусан, Ҳабиб Саъдулла шеърияти орқали биргина “бош” сўзининг бир неча маъно нозикликлари борлигининг гувоҳи бўламиз.

Ўзбек тилида “бош” сўзи ўз маъносида тананинг бўйнидан юқориги қисми, калласи ҳисобланади. Шоир шеъриятида бу сўздан бошқа маъноларни ифодалашда ўринли фойдаланилганлигини кўриш мумкин.

Тилимиздаги “бош кўтармок” ибораси “униб чиқмоқ, кўкармоқ” маъноларида қўлланилади. Шоир қуйидаги мисраларда жонлантириш орқали гўзал манзара яратади:

*Бош кўтармиши тогда лола,
Уйгонибди қир-адир,
Мисли гафлатдан кўз очган
Онг, гуруринг ҳам сўзинг.*

Мисраларда лолаларнинг униши, кўкариши, қир-адирнинг уйғониши рамзий маънода башариятнинг ғафлатдан уйғонганига ишорадир. Хурмат-эҳтиром кўрсатиш маъносини шоир қуйидагича ифодалайди:

*Яна ҳузуринга келдим эгиб бош,
Хизматинг оқлай деб, гайратга тўлиб.
Етти ёш боладай маъсум ва ювош,
Ва ўн етти яшар ўт ошиқ бўлиб.*

“Бош эгмоқ” ибораси лирик қаҳрамоннинг инсоният, халқ олдидаги қарздорлик ҳисси туфайли бош эгиши, яъни ўз халқига нисбатан хурмат-эҳтиром кўрсатиши маъносида келтирилган. Бу ўринда лирик қаҳрамоннинг хизматга шай бўлиб, бош эгиб туриши етти яшар “маъсум ва ювош” болага ҳамда ўн етти ёшли “ўт ошиқ”ка киёс қилинади. Ўз навбатида етти ёшли “маъсум ва ювош” бола билан ўн етти ёшли “ўт ошиқ” ўзига хос тазод санъатини ҳосил қилган.

Қуйидаги мисраларда қўлланган “бош эгмоқ” иборасида эса юқоридаги каби қарздорлик ҳисси сезилмайди, балки чуқур эҳтиром маъноси уфуриб туради:

*Кўлларинг кўксингда доим,
Бош эгик, қаддинг букик,
Сенга бундай хуши тавозе
Олий инсонлик шараф.*

Гарчанд бир хил ибора қўлланган бўлса-да, шеърий мисрадаги бошнинг эгилиши нафақат ҳурмат, балки, такаллуф кўрсатиш маъносини ҳам англатади. Бу ҳолат тилимиздаги маъно нозиклигининг бир кўриниши, холос:

*Ишқ бирор қалбида ёқар экан кун,
Бирорнинг бошига савдо соларкан.*

Юқоридаги мисраларда эса, “бошига савдо солмоқ” яъни ишқ туфайли ошиқ кўп азобу уқубатлар чекиши маъноси назарда тутилади:

*Бу не маломат бошима,
Бу не азоб эрур,
Оҳимга, эй беэътибор,
Келмаганингда.*

Шоир “бошига маломат солмоқ” ибораси орқали ҳам юқоридаги каби ошиқнинг қийинчилик, азоб-уқубат чекиши маъносини ўзга бир кўринишда ифодалашга мусассар бўлган.

Яна бир янги маънони ифодаловчи “оқсоч боши” иборасининг қўлланилишига қарайлик:

*Нотанти табиат оқсоч бошида,
Неча бор чақнади чақинлар.
Ваҳима келтириб гоҳ-гоҳ қошига,
Момақалдироқлар тақиллар.*

Бу ўринда шоир ўзига ҳос истиоравий қўчим орқали табиатнинг кексалиги ва қўп даврлар мобайнида қийинчилик ва синовларнинг гувоҳи бўлганлигини таъкидлар экан, замондаги айрим ҳолатларга ишора қилган:

*Бош кўтармишлар маломат
Остидан аждодларин.,
Тарихинг ҳусни-нурафшин,
Шаъну шон қадрига ет.*

Тарих зарварақларида узоқ йиллар мобайнида аждодларнинг маломатларга қарши кураши, исёни натижасида эришилган шаънимизнинг қадрига етмоқлик керак. Бу ўринда “бош кўтармоқ” ибораси “қарши курашмоқ” маъносини ифодалайди.

Халқимиз ўзи ардоқлаган ва севган инсонларга ва яқинларига нисбатан “Бошимда қўтариб юраман” иборасини қўллайдилар. Ушбу мисраларда эса унинг янада кучайтирилган қўриниши келтирилган:

*Аҳдга вафоси ҳурмати,
Мехри зиёси ҳурмати,
Бошимга тож айлай, Ҳабиб,
Нозик адo келган куни.*

Аҳдга вафо килгувчи дилдорни нафақат бошда қўтариш, балки бошига тож айлаш, чексиз хурмат кўрсатиш ошиқнинг орзусидир.

“Бахт қуши” мажозий образ бўлиб, “бахту иқбол келтирувчи” маъносини билдиради. Унинг бошга қўниши баҳтли бўлиш демакдир. Мисраларда вафоси, меҳри ва ширин васли эвазига ошиқнинг маъшуқани ҳар он баҳтли этиш орзу ифодаланмоқда.

*Онажоним ёзар: “Соғмисан , болам?”
“Бошингиз омонми?!”- дея сўрар ёр...*

“Бошингиз омонми” ибораси ҳалқимиз орасида “саломатмисиз” маъносида қўлланилади. Ушбу ўринда ҳам ёрнинг нозила ҳол аҳвол сўраши, “бош” сўзи орқали жисму жонининг соғлиги, аҳволининг қандайлиги ҳақида сўрамоқда. “Бошингиз” тарзда сизлаб қўлланилиши эса ёрнинг ошиққа бўлган чексиз хурмати белгисидир.

Тилимизда “фоят хурсанд бўлмоқ”, “жуда ҳам кўнгли қўтарилемоқ” сўзларига нисбатан “боши кўкка етмоқ” ибораси қўлланилади:

*Бошим кўкларга етмасму,
Ҳавасдан эл ёниб боқса,
Аё ўн етти ёшли
Гул узор, ёнимда сен бўлсанг.*

Айни балоғат ёшидаги гул юзли ёрнинг ёнида бўлиши ошиқ учун катта баҳт, шунингдек, “хавасдан эл ёниб боқса”, унинг қувончи осмонга етади. Ҳабиб Саъдулланинг ушбу шеърида ошиқ ёрга нисбатан:

*Ўзинг баҳту баҳоримсан,
Бошингдан зар сочолмасман.
Нисор этгум дилим, меҳрим
Кўпу озим, малол олма, -*

дея мурожаат қилади. “Бошдан зар сочмоқ” ибораси “бой бадавлат қилмоқ” маъносига тўғри келади, лекин ҳақиқий ошиқлар учун бойликнинг, сийму зарнинг ҳеч қандай қадр-қиммати йўқ. Шоир шеъриятидаги ошиқ тимсоли ҳам соф муҳаббат эгаси. У ёрнинг бошидан зар сочолмаса-да, қалвидаги бор меҳр-муҳаббатини маъшуқаси учун нисор этишга тайёр. “Бошнинг ёстиққа етиши” тилимизда “оғир дардга чалиниш” маъносида ишлатилади. Қуида шу иборадан шоир маҳорат билан фойдаланган:

*Агар умринг бўйи ийғдинг
Чекиб заҳмат зару зумрад,
Кўринмас мисли бир гардинг
Бошинг ёстиққа етганда.*

ХУЛОСА

Гарчи умринг бўйи заҳмат чекиб бойлик йиққан бўлсанг ҳам, бошинг ёстиққа етганда, зебу заринг кўзинга кўринмайди, кўнглингга сиғмайди, дейди шоир. Ҳатто бу ибора шеърнинг сарлавҳасига ҳам олиб чиқилган. Шоир узоқ йиллик ҳаётий кузатишларинг холосасини ҳар банд ниҳоясида такрорлаш орқали янада кучайтиради.

Ҳабиб Саъдулла шеърияти маънодор ва сермаҳсулдир. Бир сўзнинг юз жилосини топа олиш, сўз аталмиш олмоснинг янги қирраларини кашф этиш учун шоирда, Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, “иктидор, меҳнатдан ташқари “яна нимадир” керак бўлади”. Ҳабиб Саъдуллада иктидор, меҳнат билан бирга “яна нимадир” борки, шоир шеърларида ҳар бир сўз олмосдек жилоланаверади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Адабий тур ва жанрлар. II томлик. 1-том. ЎзР ФА. -Т: “Фан” нашриёти. 1991 й.
2. Адабий тур ва жанрлар. II томлик. 2-том. ЎзР ФА. -Т: “Фан” нашриёти . 1992 й.
3. Боборахимов. М. Конфликт и характер в узбекской лирике 80-годов. Авторефарат докторской диссертации. 1991 г.
4. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. -Т: “Шарқ” нашриёти. 2002 й.